

Устоз Яҳё домла Абдурахмонов Орландо шаҳридаги «Имом ал-Бухорий» жомеъ масжидига ташриф буюрдилар



16:10 / 13.04.2023 1207

Тошкент шаҳар Чифатой даҳасидаги «Имом Бухорий» жомеъ масжиди имом-хатиби Яҳё домла Абдурахмонов Рамазон ойи тадбирларида ватандошларимиз учун диний-маърифий суҳбатлар қилиб бериш мақсадида Америка Қўшма Штатларида хизмат сафарида бўлиб турибдилар.

Куни кеча Флорида штатининг Орландо шаҳридаги «Имом ал-Бухорий» жомеъ масжидида ватандошларимизга маърифий суҳбат қилиб бердилар. Суҳбат сўнгида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак соқолларидан бир толасини зиёрат қилдилар. Хизмат сафари давом этмоқда.